

## СОҒЛОМ РАҚОБАТГА АСОСЛАНГАН ТАҲЛИЛИЙ ВА БАҲС-МУНОЗАРАЛИ КЎРСАТУВЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Мирзо Ихтиёров*

*СамДЧТИ тадқиқотчиси*

**Аннотация** Мақолада тележурналистика соҳасида соғлом рақобат тушунчасининг фалсафий моҳияти, давлат ва нодавлат телеканалларида тайёрланаётган айрим дастурлар таҳлил қилиниб, таҳлилий, баҳс-мунозарали кўрсатувлар тайёрлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** Глобаллашув, телевидение, соғлом рақобат, жамият, Тараққиёт стратегияси, теледастур, журналист, ижтимоий сўровнома, телевизион жанрлар, фермер хўжаликлари.

**Annotation** The article analyzes the philosophical nature of the concept of healthy competition in the field of television journalism, analyzes some programs prepared on state and non-state TV channels, and examines aspects that should be paid attention to when preparing analytical and controversial programs.

**Key words:** Globalization, television, healthy competition, society, Development strategy, television program, journalist, social survey, television genres, farms.

**Аннотация** В статье анализируется философская природа концепции здоровой конкуренции в сфере тележурналистики, анализируются некоторые программы, готовящиеся на государственных и негосударственных телеканалах, а также рассматриваются аспекты, на которые следует обратить внимание при подготовке аналитических и дискуссионных программ.

**Ключевые слова:** Глобализация, телевидение, здоровая конкуренция, общество, Стратегия развития, телепрограмма, журналист, социальный опрос, телевизионные жанры, фермерские хозяйства

Телевидение аҳолининг холис ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш каби асосий вазифаларидан ташқари, инсон психологиясига таъсир кўрсатиш, унинг дунёқарашини кенгайтириш, онгини ўзгартириш қудратига эга кучли воситалардан бирига айланди. У ахборот етказиш, таҳлил қилиш ва жамотчилик фикрини шакллантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. “Ҳозирги замон ахборот майдонида телевидение энг таъсирчан, тезкор ва қамровининг беҳад кенглиги билан етакчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатлами янгиликларни асосан телеэкран орқали олмоқда”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, дунёда глобаллашув ва ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган айни даврда телевидение энг кучли ғоявий тарғибот ва ташвиқот воситаларидан бири сифатида оммавий ахборот воситалари орасида телетомошабинларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжи ва қизиқишини қондиришга хизмат қилмоқда. Маълумотларга қараганда, дунёда глобал интернет тармоғи жадал ривожланиб бораётганлигига қарамасдан, инсонларнинг деярли 60-70 фоизи ўзи учун керакли ахборотни айнан телевидениедан олмоқда<sup>2</sup>. Шу нуқтаи-назардан ҳам телевидениени ахборот етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи энг қулай, самарали восита сифатида эътироф этиш мумкин. Замонавий телекоммуникация технологияларининг жадал ривожланиши телевидениенинг ижодий, технологик, эфирга узатиш сифатини тубдан яхшилаш борасидаги имкониятларини кенгайтирди. Мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида респондентлар орасида ўтказилган сўровномада “Телеканаллардаги қандай жанрдаги кўрсатувларни қизиқиб томоша қиласиз?” деган саволимизга 572 нафар респондентдан 188 нафари (33 фоизи) танқидий-таҳлилий, баҳс-мунозарали дастурлар бирмунча қизиқарлироқ эканлигини билдиришди. Жумладан, телетомошабинларнинг ахборот жанридаги

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2023. 98-бет.

<sup>2</sup>Дўстмуҳаммад Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005. 12-бет.

кўрсатувларни 25%и, кўнгилочар дастурларни 22%и, танқидий-таҳлилий, баҳс-мунозарали кўрсатувларни 33%и, сериал, бадиий фильмларни 20 %и томоша қилиши аниқ бўлди. Респондентларнинг “Телеканаллардаги қайси тилларда эфирга узатиладиган кўрсатувларни қизиқиб томоша қиласиз?” деган саволга жавоблари куйидагича бўлди: ўзбек тилида 67,3%, рус тилида 25,5%, инглиз тилида 2,4%, бошқа тилларда 4,8 %ни ташкил этди. Юртдошларимиз танқидий-таҳлилий, баҳс-мунозарали кўрсатувлар орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига тўсиқ бўлаётган иллатлар, бюрократик ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, халқимизнинг ўзибуларчилик ва боқимандалик кайфиятидан холос бўлишга интилиши ҳамда бошқа долзарб аҳамиятга эга бўлган воқеликлар ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўладилар. Бундай йўналишдаги теледастурларнинг етарли эмаслиги телеканаллар кўримлилигига таъсир этиб, томошабинларни ўзига жалб қилишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Кейинги ўн беш-йигирма йил ичида жамият, шунингдек, инсонлар ҳаёти, руҳиятидаги ўзгаришлар бевосита оммавий ахборот воситаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Кейинги пайтларда жамият ҳаётидаги янгиланишлар, одамлар дунёқараши, ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ўзгариши, ахборот олишга бўлган талаб ва эҳтиёжининг ортиши оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам таъсир қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари хусусан, телевидениеда очиклик ва ошкораликни таъминлаш, жамиятдаги турли иллатларни очиб бериш учун кенг имкониятлар яратилган бугунги кунда баҳс-мунозарали дастурлар орқали телетомошабинлар эътиборини қозониш мумкин. Телетомошабинларни миллий телеканалларга қамраб олишда уларнинг кўнгилидаги гапни айтиш, халққа яқинлашиш, баҳс-мунозарали дастурлар сонини кўпайтиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Чунки, бундай дастурлар орқали давлат ва жамият ҳаётига оид турли иллатлар, камчиликлар очиб берилади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги

халқ билан мулоқотнинг механизмлари ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг асосларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқ билан мулоқот қилишида оммавий ахборот воситаларининг ролини кўчайтириш, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида турли соҳалардаги муаммоларни очиқ ва ошкора телеэкранга олиб чиқиш ҳамда унга жамоатчилик эътиборини қаратиш ниҳоятда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Президентимиз Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида “Доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб яшайдиган, жамиятда юз бераётган муҳим ўзгаришлар, устувор ғоя ва ташаббусларнинг маъно – моҳиятини одамларга тезкорлик ва холислик билан етказадиган, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига дадил кириб борадиган матбуот ходимлари мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда”<sup>3</sup>, дея таъкидлаган. Шу боис айти пайтда дунёнинг қайсидир мамлакатада содир бўлган ёнғин, автоҳалокат ёки табиат ҳодисаси ҳақидаги материалдан кўра мамлакатимизда бошқарувнинг самарали тизимларини жорий этиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, туризм истиқболлари, жойлардаги ижтимоий, маиший муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусидаги дастурлар аҳамиятлироқдир. Ҳозирги кунда “O‘zbekiston” телеканали орқали “Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар” бош муҳарририяти томонидан тайёрланаётган “Агроолам” кўрсатуви асосан Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига оид Қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари мазмун-моҳияти, аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси, фермерлик ҳаракатининг истиқболлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқалардан самарали фойдаланиш борасидаги изланишлар ва мавсумий

---

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O‘zbekiston, 2021. 118-бет.

юмушлар таҳлилига бағишланган. Мазкур таҳлилий кўрсатувда асосан қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларига оид янгилик ва ўзгаришлар, соҳага жорий этилаётган агротехникаларнинг афзалликлари, инновацион технологияларнинг қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишдаги ўрни, мамлакатимиздаги 107 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолиятини яхшилаш борасидаги тажрибалар, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, мева-сабзавотларни саноат асосида қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ёритилмоқда<sup>4</sup>. Бугунги кунда республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, мева-сабзавотларни саноат асосида қайта ишлаш ва экспорт қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Лекин, кўрсатувнинг аксарият сонлари Тошкент ҳамда яқин вилоятлардан тайёрланмоқда, холос. Шунинг учун унинг географиясини кенгайтириш зарурати юзага келган. Бу эса, телемаҳсулот кўримлилиги ва таъсирчанлигини оширишга олиб келади. Кўрсатувларни тайёрлаш жараёнида ёшлар замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиб, нафақат вилоятлардаги мухбирлар балки турли хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб турган ижодкорлар билан боғланиб, уларни эфирга олиб чиқишмоқда. Аммо, айрим ҳолларда телеканалда танқидий-таҳлилий, баҳс-мунозарали материаллар асосан, ёшлар томонидан тайёрланаётганлиги боис муаллифларнинг масалага бир томонлама ёндашиши, уларнинг мурожаатлар билан ишлаш, журналистик суриштирув ўтказиш бўйича етарлича тажриба, билим ва малакага эга эмасликлари сезилиб қолади. Бугунги зийрак ва ҳар бир масаланинг яхши ва ёмон томонларини таҳлил қиладиган томошабинларни юзаки тайёрланган, мутахассислар фикри баён этилмаган, тўлиқ маълумотлар келтирилмаган кўрсатув ёки репортажлар билан экранга жалб қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланган журналист кўркмасдан жамиятдаги камчиликларни очиб ташлайди, мамлакат ривожига тўсиқ бўлаётган жиҳатларни бирма-бир қаламга олади, уларга

---

<sup>4</sup> <https://yuz.uz/news/qishloq-xojaligi-tadbirkorligi-u-qanchalik-rivoj-topsa-qishloqlarimiz-shunchalik-obod-boladi>

жамоатчилик эътиборини қаратади ва мамлакатимиздаги умумий ҳолатнинг янада яхшиланишига, мутасадди раҳбарлар масъулиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Шу жиҳатдан тележурналистика соҳасида таъсирчан ва кўримли кўрсатувлар тайёрлаш, журналист-кадрларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларга оид билимларини бойитиб боришларига эътибор қаратиш, телетомошабинлар эътибори ва эътирофига сазовор бўладиган теледастурлар тайёрлашга эришишда соғлом рақобат муҳитининг ривожланиб бориши ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Соғлом рақобат муҳити эса ҳар бир соҳада ривожланиш ва ўсиш динамикасини таъминлашда муҳим омил саналади. Шу боис давлат ва нодавлат телеканаллари фаолиятида ҳам соғлом рақобат долзарб аҳамиятга эга. Телеканаллар фаолиятида рақобат аввало томошабинлар аудиториясини кенгайтириш, реклама берувчиларни жалб қилиш, аҳоли учун фойдали бўлган ахборотларни биринчилардан бўлиб етказишга бўлган ҳаракатларда кўзга ташланади. Давлат ва нодавлат телеканаллари рақобат муҳитида самарали фаолият кўрсатиш учун бир қатор омилларни инобатга олишлари лозим бўлади.

Биринчидан, ҳар бир телерадиоканал йиллик Концепциясини томошабинлар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириши зарур. Бунда ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали томошабинлар талаби, уларни кўпроқ қандай жанрдаги дастурлар, мавзулар қизиқтираётганлигини аниқлаш, жамоатчилик томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсияларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Томошабинлар аудиторияси томонидан билдирилган таклифлар асосида шакллантирилган дастурлар, танланган мавзулар эса телекўрсатувлар кўримлилигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, ҳафталик, кунлик теледастурларни шакллантириш, мавзулар танланишида шунингдек, хорижий телеканаллардан андоза ҳолган олда ташкил этиладиган янги лойиҳаларни тақдим этишда халқимизнинг миллий-маънавий

кадриятлари, менталитети нуқтаи назаридан ёндошиш ҳам кўрсатувлар таъсирчанлигини ошишига олиб келади.

Учинчидан, соғлом рақобатга киришишда ҳаққонийлиги текширилмаган маълумотлар, аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотларни тарқатишга йўл қўймаслик ҳам муҳимдир. Чунки, бугунги ахборот хуружлари ортиб бораётган бир пайтда халқимизни Ватанимиз, мустақил мамлакатимиз манфаатларига зид бўлган ахборотлардан асраш ниҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Тўртинчидан, асосий тарғибот воситаларидан бири бўлган телевидениени ривожлантириш учун дунёнинг етакчи мамлакатларидаги телевидение саноатида қўлланилаётган замонавий техник жиҳозларнинг олинимида давлат томонидан имтиёзлар берилиши, субсидиялар ажратилиши бугун тобора долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Чунки, глобаллашув жараёнида ахборотга эгалик қилиш учун амалга оширилаётган курашларнинг кучайиб бораётганлиги медиа майдонини эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини, аввало халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб давлат ва жамият барқарорлигини таъминлашга, ижтимоий-фалсафий тафаккурни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган теледастурларни кўпайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.